



**“МАЪРУЗА (МУХОДАРА) ИЛМИ” НИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11634801>

Pirmuhamedov Bahadir Bahramovich
International Islamic Academy of Uzbekistan
Senior teacher of the "Arabic language and literature al-Azhar" department.
E-mail: bahodir2674@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ислом илмларидан муҳим бўлган “Маъруза(муходара) илми” нинг шаклланиши босқичлари, унинг ривожланишига асос бўлган илмлар ҳақида баён қилинган. Шунингдек, Маърузалар илми таърифи берилиб, бу йўналишда ёзилган илк асарлар, уларни яратган алломалар ҳақида маълумотлар берилган. Хусусан, Ибн Қутайба (889 в.) нинг “Уйун ал-ахбар” асари ва Абу Амр Аҳмад бин Муҳаммад бин Абду Раббих (940 в.) нинг “ал-Иъқду-л-фарид” асарларининг мазмун моҳияти ҳақида фикр юритилган.

Kalit so'zlar

исломшунос, жоҳилия даври, Қуръони карим, Маҳмуд Замахшарий.

Шунингдек, “Маърузалар илми” аҳамияти ва бу йўналишда ижод қилган машхур ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг араб илмлари таснифига киритилган “Маърузалар илми” йўналишида яратилган “Рабийъу-л-аброр” асари, алломанинг уни яратишдан мақсади ёритилиб, асарнинг мазмун моҳияти қисқача таҳлил қилинган.

Кўпгина исломшунос ва тарихчи олимлар ислом тамаддунига ҳисса қўшган асарларни яратилишини иккинчи ҳижрий асрга, яъни Қуръони карим, Ҳадис шариф ва улар билан боғлиқ кўпгина илмларга бағишлиланган асарларни яратиш, шунингдек, чет тилида ёзилган илмий асарларни таржима қилиш билан боғлайдилар.

Айтилиши керак бўлган ҳақиқат шуки, (илмий асарларни) ёзиш ва яратиш араб ёки форслар устунлиги билан эмас, балки барчани илм олишга даъват қилган ва билимни илгари сурган янги ақида туфайли содир бўлди. (илмий асарларни) Ёзиш ва яратиш шу билимнинг самараси эди.⁴⁰ Илмий

⁴⁰ Methods of authorship among Arab scholars, literature department. Mustafa al-Shaka. Dar Al-Alam for millions Beirut, Lebanon. I, April 6, 1991.



китоб ва асарларнинг илк кўриниши рисолалар шаклида яратилган. Машхур ёзувчилар яратган турли илмий йўналишда яратилган илк рисолалар сарасига қўйидаги рисолалар киритилган:

Расаилу-л-Жахиз(Жохиз рисолалари), Расаилу ибну-л-Аъмид(Ибн Амид рисолалари) (970 в.), Расаилу-с-Соҳиб ибн Аъббад (Соҳиб бин Аббад рисолалари) (995 в.), Расайл Аби Бақр ал-Харазмий(Абу Бақр Хоразмий рисолалари) (993 в.), Расайл Аби Фадл Бадиъу-з-Заман ал-Ҳамазаний(Абу Фазл Бадиуз Замон Ҳамазоний рисолалари) (1007 в.), Расайл ихвани Сафо(Сафо биродарлари рисолалари) ва бошқалар. Бу рисолалардан ташқари Жоҳилия даври араб шеърияти намуналари, мақол ва ҳикматли сўзларни ўзида жамлаган асарлар хам яратилди. Бу асарларнинг барчаси, Маъруза (муходара) илми шаклланишига ёрдам берган илмий манбалар хисобланади.

Маърузалар илми нима ва уни таърифини қўриб чиқсан. Маърузалар илми араб илмларининг муҳим йўналиши бўлиб, бу йўналишда қўпгина олимлар ижод қилиб, жуда қимматли асарлар яратганлар. Маъруза илми қандай илм ва нималарни ўз ичиға олишини қўриб чиқамиз.

Ўрта аср араб адабиёти дунё халқлари адабиётидан ўзининг турли хиллиги ва серқирра жанрлари билан ажralиб туради. Унда Жоҳилия даври қасида ва "муаллақа"лари ва араб халифалиги даврида, яъни VIII-IX асрларда кенг ривож топган юонон, форс ва сурёний тиллардаги асарларни таржималари билан бойитилган маълумотларни қўришимиз мумкин.

Маърузалар илми (علم المحاضرات)га келсан, бу йўналиш наср ва шеър жанрида ёзилган адабий китоблар, шунингдек, араб ва мусулмонлар эгаллаган барча илмлар бўйича ёзилган китобларни англатади. Ҳожи Халифа бу илмни шундай таърифлайди:

"هو علم يحصل منه ملکة إيراد كلام للغير، مناسب لمقام، من جهة: معانیه الوضعيّة أو من جهة: تركيّه الخاص"⁴¹

"Бу илм орқали бирор кишининг гапини зарур вазиятда ўзига хос услугда етказиш малакасига эга бўлинади".

Яна бир таърифда ал-Қанужий шундай дейди:

المحاضرات: استعمال كلام البلغاء أثناء الكلام في محل مناسب له على طريق الحكاية⁴²

"Маърузалар (илми) : Гап давомида балоғат илми олимлари гапини вазиятга муносиб равищда ҳикоя усулида қўллашдир".

Бу илм маъоний илмига жуда яқин, улар орасидаги фарқ шундаки, Маърузалар илмида вазият таққозосига қараб, олим ва фозил кишиларнинг

⁴¹ Kashfu zunun: Mustafa bin Abdullah aka Haji Khalifa, Dar Al-Fikr. – Beirut. 1982.

⁴² Abjad Al-Uloom Al-Wushi Al-muraqqum in the statement of the conditions of science: Siddiq bin Hassan al-qunuji, publisher: House of scientific books-Beirut, 1978, investigation: Abdul Jabbar Zakar M1. – P. 501.



фикрларини тингловчига етказиш бўлса, Маъоний илмида эса сўзловчи тингловчига унинг ҳолати ва вазиятидан келиб чиқиб гап гапиришидир.

Бу илм араб илмлари ичида муҳим ва жуда манфаатлидир. Унда Куръони карим, ҳадис, шеър, мақол, фразеологик бирикмалар, араб ва ажам олимларининг муаян мавзулар бўйича фикрлари келтирилади. Ибн ал-Хатиб бу илм аҳамияти ҳақида шундай фикрларни билдиради:

علم المحاضرات علم نافع في أنواع المحاورات، وهو علم عال من العلوم العربية، وفن فاخر من الفنون الأدبية،
يحتاج إليه طوائف الأنام، ويرغب فيه العلماء العظام.⁴³

“Маърузалар илми муҳовара(сухбат) турларидағи фойдали илмдир, у араб илмлари ичидағи юксак илм, адабиёт санъатлари ичидағи нафис санъатдир. Унга барча тоифа одамлари мухтоҷ бўлиб, унга буюк олимлар мурожаат қилишган”. Ибн ал-Хатибнинг юқоридаги фикрича, бу илм араб илмлари ичида юқори ўринни эгаллаган. Илмлар таснифи йўналишига фаолият олиб борган олимлар бу илмни қўйидагича тасниф қилганлар.

Улар қўйидагилардир:

1. Лугат илми(лексикология)
2. Сарф илми(морфология)
3. Наҳв илми(грамматика)
4. Маъоний илми
5. Баён илми
6. Бадиъ илми
7. Аруз илми
8. Қофия илми
9. Ёзув қоидалари илми
10. Ўқиши қоидалари илми
11. Рисола ва хутбалар ёзиши илми
12. Маърузалар илми, у тарих илмларини ҳам қамрайди⁴⁴ .

Маърузалар илми ривожланиши

Жохиз “ал-Баян ва табийин”, “ал-Бухала” ва “ал-Хайван” каби асарлари билан араб адабиётига оид асарлар яратиш бўйича етакчи олимлардан бири ҳисобланса, Маъруза илмига тўлиқ мос келувчи “Уъйун ал-ахбар” асари илк бор Ибн Қутайба (889 в.) томонидан ёзилган. Мазкур асар мавзулари ва турли соҳаларни ёритганлиги билан Маъруза илмини шаклланганлиги ва ривожланганлигини акс этди. Ибн Қутайбадан сўнг бу йўналишда яратилган

⁴³ Ravdul axyar muntaxab min Rabiu'l abrors: Muhammad Bin Qasim bin Yaqub Al-amasi, known as Ibn al-Khatib, Dar Al-Qalam Al-Arabi.

⁴⁴ Kavakib durriya ala mutamimatul ajrumiya, Sheikh Mohammed bin Abdul Bari Al-Ahdal. Cultural Books Foundation. – Beirut. 1990.



асарларга талаб ва эхтиёж юқори бўлди. Бу йўналишда яратилган машҳур асарлар қўйидагилардир:

- Абу Амр Аҳмад бин Муҳаммад бин Абду Раббих (940 в.) нинг “ал-Иъқду-л-фариd” асари
- Абу Али ал-Муҳассин бин Али ат-Танухий (994 в.) нинг “Нишвару-л-муходара ва ахбару-л-музакара” асари
- Абул Фараж ал-Муағиғий бин Закария ан-Наҳраваний ал-Жаририй (1000 в.) нинг “ал-Жалис-у-солиҳу-л-коғиғ ва-л-ағиғу-н-носиҳу-ш-шоғиғ” асари
- Абу Саъд Мансур бин Хусайн ал-Аби (1030 в.) нинг “Насру-д-дур” асари
- Абу Умар Юсуф бин Абдул-бир ан-Намрий ал-Қуртубий (1071в.) нинг “Бажжату-л-мажалис ва анесу-л-мажалис ва шаҳзу-з-зихни ва-л-хажис” асари.
- ар-Роғиб ал-Исфаҳоний (1109 в.) нинг “Муҳадароту-л-удаба ва мухаварату-ш-шувъаро ва-л-булоға” асари
- Абу-л-Маъалий Баҳауддин Муҳаммад бин Ҳасан бин Муҳаммад бин Али бин Ҳамдун ал-Бағдодий (1167 в.) нинг “ат Тазкирату-л-ҳамдуния” асари.

Маъруза илмига оид асарлар муаллифлари ўз китобларини асар мазмунидан келиб чиқиб, китоб, боб, фасл ва саёҳат каби бўлимларга тақсимлашган. Ибн Қутайба ўзининг асарида мавзуларни “китоб” га ажратиб, асар муҳаддимасида шундай дейди: “Хабар ва шеърларни туркумларга ажратганимда, уларни йўналиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши ва боблари қўплигини қўрдим. Уларни “китоб” ларда жамладим... биринчи китоб:... Султон китоби... иккинчи китоб: : уруш китоби...ва ўнинчи китоб: аёллар китоби”.⁴⁵ Шу йўналишда ёзилган яна бир машҳур асарлардан бири андалусиялик Абу Амр Аҳмад бин Муҳаммад бин Абду Раббихига тегишли. У ўз асарини қўйидаги тартибда шакллантирганини ёзади: “Мен бу китобни турли хил сўз марваридлари, тўғри ва тартибли қўймалари мавжудлиги учун “ал-Иъқд ал-Фариd”(Тенгиз маржон) деб номладим. Мен уни йигирма бешта китобга ажратдим. Ҳар бир китоб икки қисмга бўлинган, жами эллик қисмдан иборат йигирма бешта китоб. Уларнинг ҳар бирига маржон жавоҳирлари номи берилган, биринчisi: Султон ҳақидаги маржон китоби, кейингиси урушлар ҳақидаги дур китоб, кейин саҳиълик ва баҳллик ҳақидаги қимматли тош”.⁴⁶ Кўпгина муаллифлар ўз китобларини бобларга

⁴⁵ Uyun axbar. Abu Muhammad Abdullah ibn Muslim Ibn Qutayba al-dinuri. Scientific books House-Beirut. 1418 .41/1 .

⁴⁶ Al-Iqdul farid, Ahmad ibn Muhammad ibn Abd Rabbah al-Andalusi. House of scientific books-Beirut 1983. –P. 7.



тақсимлашган. Булардан Ибн Абду-л-бир ўзининг “Баҳжату-л-мажалис” асарини бобларга тақсимлаб, 132 бобга ажратган.

Маҳмуд Замахшарий ҳам араб илмларига оид бошқа асарлари билан бир қаторда араб илмларининг яна бир муҳим йўналиши бўлмиш Маъruzalар илми бўйича “Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор” асарини яратган. Мазкур асар алломанинг асар муқаддимасида келтирган маълумотига кўра машхур “ал-Кашшоф” асаридан кейин, яъни хижрий 528 йили алломанинг Маккадалик даврида ёзилган. Аллома бу хусусда қуйидагича ёзди: “Бу китобни, “ал-Кашшоф” ўқувчилари зехнига дам бериш, билим ва қобилиятларини фикрлашга ишлатиб, бундан толиқкан дилларига ором бериш, зерикканларида ўқиб завқланишлари учун ёздим... Ундан Касир бин Абдураҳмоннинг Иззага ёзган ғазаллари ва Жамил бин Абдуллоҳнинг гўзал шеърларини ўқийсан. Яхши сухбатдош хоҳласанг, ундан яхши сухбатдош йўқ, янги хабар керак бўлса, ундан яхши хабарчи йўқ. Хузнга мойил бўлсанг, кўз ёшингни шашқатор оқизар, шодон қулги керак бўлса, ундан ичак узди латифалар топасан”⁴⁷.

Мазкур асар таркибий жиҳатдан 98 бобдан, баъзи манбаларда ёзилишича, 92 бобдан иборат (Кашфуз-зунун). Асар “Вакт, дунё ва охират ҳақидаги” боб билан бошланиб, “Ҳашоротлар, ер юзидағи бошқа ҳайвонлар ва улар билан боғлиқ нарсалар ҳақидаги” боб билан якунланади. Асаддаги мавзулар тартиби алифбо тартибида тузилган. Асар дин, ахлоқ, география, наботот ва бошқа илмларни қамраб олган. Ҳар бир боб Қуръони оятлари ва мавзуга оид ҳадислар, алломалар фикри ва шоирлар шеърлари билан ёритилган.

Қуръони каримнинг ва ҳадисларнинг жамланиши тафсир, фикҳ, сийрат, мантиқ, сарф, нахв, балоғат ва бошқа ислом илмларини ривожланишига туртки бўлди. Бу эса ўз навбатида, юқорида зикр қилинган илмлар билан бирга юонон ва форс маданияти, жоҳилия даври шеърияти ва адабиётини жамлаган маъruzalар илмига асос бўлди. Маъruzalар илмида яратилган манбалар ўрганиш давомида улар турли хил диний ва дунёвий илмларни қамраб олганини кўрамиз. Асадларнинг шундай тузилиши, турли соҳадаги олим ва тадқиқотчиларга, хусусан исломшунос олимларга ислом даври ва ундан олдинги даврдаги маълумотларни ўргани имконини беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор” асари ҳам “Маъruzalар илми” да ёзилган энг машхур асарлардан бири бўлиб, исломшуносликдаги муҳим манба ҳисобланади.

⁴⁷ Rabi ' Al-Abrar va nusus axyar: Mahmoud zamakhshari, M1. – Р. 27.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Махмуд Замахшарий. Муқадимату-л-адаб. Нашрга тайёрловчи З. Исломов-ТИУ. – Т.: 2002.
2. Jalal al-Din al-Suyuti with a view to awareness in the layers of linguists and grammarians. Vol. 2.
3. Ibn Khalkan. "Vafayat ayan" Vol. 5. Sadr House. – Beirut. 1969.
4. Abu Al-Qasim Mahmoud bin Omar al-zamakhshari" Al-mufassal fi arabiya". Dar Ammar. 2004.
5. Dr. Ahmed Mohammed Al-houfi "Zamakhshari". The House of Arab Thought, 1966.
6. Kavakib durriya ala mutamimatul ajrumiya, Sheikh Mohammed bin Abdul Bari Al-Ahdal. , P.24. Cultural Books Foundation. – Beirut. 1990.
7. Рустамов А. Махмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971.
8. Mustafa bin Abdullah aka Haji Khalifa. Kashfu Zunun. Dar Al-Fikr. – Beirut 1982.
9. Abjad Al-Uloom Al-Wushi Al-muraqqum in the statement of the conditions of science: Siddiq bin Hassan al-qunuji, publisher: House of scientific books-Beirut, 1978, investigation: Abdul Jabbar Zakar.
10. Ravdul axyar muntaxab min Rabiu'l abrors: Muhammad Bin Qasim bin Yaqub Al-amasi, known as Ibn al-Khatib, Dar Al-Qalam Al-Arabi.